



Азиз ота-оналар, Абу Хурайра разияллоху анху айтадиларки: Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам бундай дедилар: Одам боласи вафот этганда унинг амал китоби ёпилади. Факат уч томондан (очик колиб савоб келиб туради): жорий бўлиб турган садакадан (масалан ўша одам мусулмонларга нафъ келтирадиган бир кўприк курган бўлса, ва хоказо), фойдали илмдан ёки ўша одам хаккига дуо килиб турадиган солих фарзанддан (Муслим ривояти). Каранг азизлар, бу хадиснинг икки мукофотига иншааллох хозирда эга бўлиб турибсиз. Хам илм колдирияпсиз, хам солих фарзанд ўстирияпсиз. Айтингчи дунёда сизданда баҳтли ким бор?!

1. Савол: Болажоним, ўтган дарсларда иймон тушунчаси ўтган эди. Иймон деганда яна нимани тушунами?

Жавоб: Иймон бу тил билан нутк килиш (айтиш), калбда тасдиклаш ва ибодат килиш.

2. Савол: Болажоним, намоз ўқиганда одам иймони кувватланиб борадими?

Жавоб: Ха дадажон, канча кўп намоз ўқиса ё бошка ибодат килса иймон кувватланади.

3. Савол:



Болажоним, одам гунох килса иймони нима бўлади?

Жавоб: Гунох килганда
иймони камайиб колади.

4. Савол: Болажоним, эхсон нима дегани?

Жавоб: Аллоҳни кўриб тургандек, чиройли ибодат килиш.

5. Савол:
Болажоним, катта бўлганингда бой бўлсанг пулларингни нима
киласан?

Жавоб: Кўпприк, масжид, мадрасалар кураман.

6. Савол: Яна нима
киласан?

Жавоб: Камбагалларга ёрдам бераман.